

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг назарий ва услубий асослари.....	6
1.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти.....	6
1.2. Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш жиҳатлари.....	19
II боб. Ўзбекистон иқтисодиёти кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланиш ҳолати таҳлили.....	27
2.1. Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили.....	27
2.2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш ҳолати таҳлили.....	34
2.3. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда давлатнинг таъсири таҳлили.....	40
III боб. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш жадаллаштириш йўллари.....	53
3.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари.....	53
3.2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъекти ривожининг бандликни оширишдаги истиқболи.....	62
Хулоса ва таклифлар.....	68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	71
Иловалар.....	75

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва роли тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради.

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилнинг асосий яқунлари ва 2014 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва ўрни тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ўзи иқтисодиётимизнинг таркибида бўлаётган ижобий ўзгаришлардан далолат беради. Фақатгина ўтган йилнинг ўзида юртимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади, ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони йил охирига келиб 190 мингга етди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг қарийб 55,8 фоизи айна шу соҳада ишлаб чиқарилмоқда. Ваҳоланки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоиздан иборат эди”¹ - деб таъкидлаб ўтди.

Ўз новбатида миллий иқтисодиётимизни барқарор ривожланишини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида унинг ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш йўналишлари бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг муҳим ва долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик бизнес соҳасининг ўрни ва

¹ Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади” //Халқ сўзи., 2014 йил 18 январь.

роли ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ғоялари Президент И.А. Каримов асарларида атрофлича ўз аксини топган.

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик бизнес соҳасининг ривожлантиришнинг назарий ва услубий асослари бўйича хорижлик олимлардан Горфинкел В.Я., Поляк Г.Б., Швандар В.А., Морелл Д., Ройзберг В.Г., Панкрухин А.П., Петрунин Ю.Ю., Борисов В.К., Янковский К.П., ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган.

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик бизнес соҳасини ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон олимларидан, Б.Ю. Ходиев, Бекмуродов А.Ш, Махмудов Н.М., Эргашхўжаева Ш.Ж, А.Н. Самадов, Файзиев А., Қодиров М., Яхшибоев Ғ.К., Кенжабоев А.Т., Хаджаев А.А., Отабоев В.Т., ва бошқалар чуқур изланишлар олиб борганлар.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик бизнес соҳасининг ўрни ва ролини аниқлаш бўйича назарий ва амалий таҳлил натижаларига асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Мазкур мақсадни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

- кичик бизнес ва тадбиркорлик масалалари билан боғлиқ назарий ва услубий асосларни ўрганиш;
- мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш асосларини ўрганиш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини рағбатлантиришда солиқ тизимининг ролини аниқлаш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни иқтисодиётда тутган ўрни ва уни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши чора-тадбирларини аниқлаш;
- мамлакат аҳолисини иш билан бандлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни устувор йўналишларини аниқлаш;

- истиқболда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

- мазкур муаммоларни ечими бўйича аниқ хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг объекти. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик бизнес соҳасини ялпи ички маҳсулотдаги улуши.

Битирув малакавий ишининг предмети. Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик бизнес соҳасининг ўрни ва ролини аниқлаш ва ўрганиш тадқиқотнинг предмети бўлиб ҳисобланади.

Битирув малакавий ишининг назарий ва услубий асослари. Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик бизнес соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асослари ҳамда юртимиз ва ҳорижий иқтисодчи олимларнинг илмий ишлари.

Мазкур битирув малакавий иши муаммоларини ёритишда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотларидан фойдаланилади.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Амалга оширилган илмий тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш миллий иқтисодиётда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш, миллий иқтисодиёт корхоналари ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар томонидан ҳамда олий ўқув юртларида ўқув дастурларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

Битирув малакавий ишининг таркиби: иш кириш, асосий мазмунни ифодаловчи олтита савол, хулоса ва таклифлар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ҳамда иловалардан ташкил топган.

I-Боб. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг назарий ва услубий асослари

1.1. Кичик бизнес ва тадбиркорлик тушунчаси, моҳияти ва аҳамияти

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик қобилияти асосий иқтисодий ресурслардан бири ҳисобланиб, инсон омилининг таркибий қисмини ташкил этади. Тадбиркор – бу ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш борасида билим ва малакага эга бўлган, фойда олиш мақсадида таваккалчилик билан иш кўра олувчи ташаббускор шахс.

Тадбиркорларнинг муайян маҳсулотларни ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатиш бўйича фаолияти тадбиркорлик фаолиятини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонунида таърифланишича, “Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир”².

Назарияда кичик бизнес, кичик корхоналар, хусусий фирмалар каби тушунчалар бозор иқтисодиёти лексикасининг ажралмас қисмига айланган. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар кичик бизнеснинг субъектлари бўладилар, улар ходимларнинг ўртача сони қонун томонидан белгиланган чегаравий даражадан ошиб кетмайди.

Маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга шахсий ва бошқа шахсларнинг жалб қилинган мулклари асосида шахсий меҳнатни ва

² Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида. 2012 йил 2 май.

ёллаш бўйича меҳнатни қўллаш воситасида таваккалчилик ва мулкый жавобгарлик остида фойда (даромад) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар хусусий тадбиркорликнинг субъектлари бўладилар. Юридик шахсни ташкил қилмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ҳам кичик ва хусусий тадбиркорликнинг субъектлари ҳисобланадилар.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг фикрига кўра “Кичик корхоналар қуйидагича ташкил қилинишлари мумкин:

- фуқаролар, оила аъзолари ва бошқа шахслар томонидан;
- давлат, ижара, жамоа, ҳиссадорлик жамиятлари, хўжалик ассоциациялари, қўшма корхоналар ва бошқалар томонидан;
- жамоат ташкилотлари томонидан;
- айтиб ўтилган идораларнинг ҳамкорлиги асосида;
- мулк эгасининг розилиги билан жамоа ташаббуси бўйича амалдаги корхоналар таркибидан ажралиб чиқиш натижасида.”³

Шунингдек, кичик корхоналар, бирлашмалар ва корхоналарнинг ташаббуси билан (монополияга қарши идоранинг қарори бўйича) мажбуран ташкил қилинишлари мумкин.

Мамлакат иқтисодиётида кичик корхоналар аввало халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқариш ва маиший хизматлар кўрсатиш учун ташкил қилинади. Аммо улар халқ хўжалигининг ҳар қандай соҳаларида ҳам ташкил қилиниши, мулкчиликнинг ҳар қандай шакллари асосида ҳаракат қилиши мумкин. Бир ёки бир неча юридик ёки жисмоний шахслар кичик корхоналарнинг таъсисчилари бўлиши мумкин.

Жамиятда кичик бизнеснинг фаолияти соҳаси кенг ёйилган бўлиб, у хўжалик фаолиятининг барча турларини (агар улар қонун томонидан ман этилмаган бўлса) омалга ошириши мумкин. У битимлар тузиш, мулкни харид қилиш, ташқи бозорга чиқиш, савдо воситачилиги ва бошқа

³ Бекмуродов А.Ш., ва бошқалар. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожини – давр талаби. 3-қисм. –Т.: ТДИУ, 2005.-45бет.

битимларни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Профессор Б.Ходиевнинг фикрига кўра “Кичик бизнес бу хўжалик юритишнинг мустақил мавжуд бўладиган ва фаолият юритадиган шаклидир. У ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ҳажми ва турларини мустақил белгилаши, уни ўз ихтиёрига кўра сотиши, товарлар ва хизматларга нархларни белгилаши, ривожланиш фондлари, ижтимоий соҳа, резерв фондига фойда ажратмаларининг меъёрларини белгилаши, ёлланма ходимлар меҳнатларша ҳақ тўлаш шакллари ва миқдорларини мустақил белгилаши мумкин.”⁴

Иқтисодиётда барқарор фаолият юритиш мақсадларида кичик корхоналар, уюшмалар бирлашишлари, ҳар хил кооперативларнинг таркибига киришлари мумкин.

Кичик корхона хўжалик юритувчи субъектнинг янги шаклидан иборат эмас. У бошқа корхоналардан фақат кичикроқ кўламлари билан фарқланади, холос.

Иқтисодиётда фаолияти юритувчи кичик бизнеснинг мезонларини белгилаш зарурияти кичик корхоналарнинг давлатнинг жиддий ёрдамига муҳтожлигидан келиб чиқади, бу ёрдам адресли бўлиши ва корхоналар фаолиятининг белгиланган томонларини яхшилашга йўналтирилиши керак. Кичик корхоналарни алоҳида категорияларга ажратиш улар фаолиятини ўрганиш ва самарадорлик даражасини таҳлил қилиш, уларнинг иқтисодиёт умумий тизимидаги ўрни ва ролини аниқлаш учун зарур.

Ю.Петруниннинг қарашича “Бозор иқтисодиётига асосланган барча мамлакатларда кичик корхоналарни белгилашда қуйидаги мезонлардан фойдаланадилар:”⁵

- миқдорий кўрсаткичлар: ходимларнинг сони, сотиш ҳажми, асосий капиталнинг баланс қиймати;

⁴ Б.Ю. Ходиев, М.С. Қосимова, А.Н. Самадов “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” Ўқув қўлланма. – Т.ТДИУ, 2010 й.-65бет.

⁵ Петрунин Ю.Ю., Борисов В.К. Этика бизнэса: Учеб. пособие. – 3-е изд., перераб. и доп. –М.: Дело, 2004.- 104с.

- сифат кўрсаткичлари: ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг нисбатан кичик сони; чекланган ресурслар ва қувватлар, бошқарувнинг камроқ ривожланган тизимлари ва бошқалар;

- юқоридаги кўрсаткичларнинг биринчи ва иккинчи гуруҳларини бирлаштирувчи комбинацияси.

Турли мамлакатларда корхоналарни катталикларига кўра у ёки бу гуруҳга киритувчи мезонлари қўлланилади. Европа Иттифоқининг методологияси бўйича кичик ва ўрта корхоналар жадвалда кўрсатилган мезонлар билан белгиланади.

1-жадвал

Европа Иттифоқи методологияси бўйича кичик ва ўрта корхоналар ўлчамини белгилаш мезонлари

Аниқланадиган корхоналар	Ходимлар сони (киши)	Йиллик оборот	Баланс қиймати
Кичик	50 тагача	4 млн. еврогача	2 млн. еврогача
Ўрта	50-250 тагача	16 млн. еврогача	8 млн. еврогача

Манба: Б.Ю. Ходиев, М.С. Қосимова, А.Н. Самадов “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” (Ўқув қўлланма). –Т.ТДИУ, 2010 й.-68бет

Чет эл мамлакатларда 1 кишидан 20 кишигача ходими бўлган корхоналар хунармандчилик корхоналарига, 20 дан 100 тагача ходими бўлганлари кичик, 100 дан 500 гача ходими бўлганлари ўрта корхоналарга киритилади.

В. Горфинкелянинг фикрича “АҚШда кичик бизнес корхоналарини икки томонлама гуруҳлашдан фойдаланилади. Биринчи ҳолда бу тушунча ишчилар сони 500 кишигача бўлган корхоналарни қамраб олади. Иккинчи ҳолда эса корхоналар соҳалар бўйича йиллик тушумлар ҳажми бўйича бўлинадилар: транспорт соҳасида йиллик тушумлар ҳажми 3,5 млн доллардан 20 млн долларгача, қурилишда 9 млн доллардан 21 млн долларгача, улгуржи савдода 15 млн доллардан 35 млн долларгача, чакана савдода 3,5 млн доллардан 13,5 млн долларгача, хизматлар соҳасида 2,5 млн доллардан 14,5 млн долларгача бўлган корхоналар кичик фирмалар ҳисобланади.

Германияда ишловчилар сони ва йиллик оборот кўрсаткичларидан фойдаланилади. Кичик корхоналар ишловчилар сони 10 кишигача бўлган, ўртачаларга эса ишловчилар сони 50 кишигача ва йиллик обороти 100 млн еврогача бўлган корхоналар киритилади.

Францияда кичик ва ўрта бизнес тушунчасига ишловчилар сони 19 кишигача бўлган микрофирмалар, ходимларнинг сони 20-299 кишигача бўлганлари кичик корхоналарга киради.

Жанубий Кореяда саноатда ва транспортда 20 тагача ходими бўлган корхоналар кичик, 21 дан 200 кишигача ходими бўлган корхоналар ўрта корхоналар ҳисобланади. Савдо ва хизматлар соҳасида 5 тагача ходими бўлган корхоналар кичик корхоналар, 6 тадан 20 тагача ходими бўлган корхоналар эса ўрта корхоналар ҳисобланади.”⁶

Янги мезонлар корхоналарни айрим категорияларга бўлишни тартибга солиш имкониятини беради. Бу солиққа тортиш бўйича имтиёзларни белгилаш, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ чораларни қабул қилиш, республика минтақаларида кичик корхоналар тармоғини кенгайтириш соҳасида инфратузилмавий ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш учун ғоятда муҳимдир.

Ўзбекистонда кичик корхоналарни, унда ишловчи ходимлар сони бўйича гуруҳларга ажратиш қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар”⁷ тўғрисидаги Фармонида биноан: кичик корхоналарда: Буни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин.

Ходимларнинг сони кичик субъектларининг асосий кўрсаткичидир. У фирманинг барча ходимларини, шу жумладан, шартномалар бўйича ва ўриндошлик бўйича ишловчиларни ҳақиқатдан ишланган вақтини ҳисобга олиш билан ҳамда вакилликлар, филиаллар, корхонанинг бошқа

⁶ Малый бизнес. Организация, экономика, управление: Учеб. пособие для вузов/ Под ред. проф. В.Я.Горфинкеля, В.А. Швандара. – 2-е изд., пререб. и доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.-233-235сс.

⁷ www.lex.uz

ажратилган бўлинмалари ходимларини ҳисобга олиш билан аниқланади.

2-жадвал

Фаолият соҳалари бўйича кичик корхоналар категориясига киритилувчи корхоналар⁸

Фаолият соҳалари	Ходимларнинг йиллик ўртача сони
Енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноатида	100 кишидан 120 кишига
Машинасозлик, металлургия, ёқилғи энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат ишлаб чиқариш соҳаларида	50 кишидан 60 кишига
Фан, илмий хизмат курсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳаларда	25 кишидан 30 кишигача

Микрофирмалардаги ҳолатни қуйидаги жадвалдан кўриш мумкин. Белгиланган сондан ошиб кетган ҳолда кичик корхона ошиб кетишга йўл қўйилган давр ва кейинги уч ой давомида имтиёзлардан маҳрум бўлади.

Кичик бизнес корхоналари йирик фирмалардан кўпроқ фарқ қиладилар ва бозор иқтисодиёти шароитларида ўз хусусиятларини амалга ошириш учун катта имкониятларга эгалар. Бошқарув ва қарорлар қабул қилишдаги мустақиллик, технологик ажралганлик, эпчиллик ўзларининг фаолиятларини йирик корхоналар қила олмаган ишни энг катта фойда олиш билан бажарадиган қилиб ташкил қилишга ёрдам беради.

⁸ www.lex.uz ва “Norma” Ахборот тизими 2014й.

**Фаолият соҳалари бўйича микрофирмалар категориясига
киритилувчи корхоналар⁹**

Фаолият соҳалари	Ходимларнинг йиллик ўртача сони
Ишлаб чиқариш тармоғида	20 кишидан 24 кишигача
Хизмат кўрсатиш ва бошқа ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган соҳаларда	10 кишидан 12 кишига
Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида	5 кишидан 6 кишига

Кичик корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг турларини ўзгартириб, истеъмолчиларнинг ўзгарувчан талабларига кўра товарлар ишлаб чиқариш билан бозор ҳолатини ўзгаришига тез жавоб қайтариш қобилиятига эгалар. Улар одамларнинг мавсумий эҳтиёжларини тўлароқ ва сифатлироқ қондиришлари мумкин.

“Истеъмолчилар билан бевосита алоқа кичик фирмаларнинг хусусиятларидан бири бўлади, бу нарса йирик ишлаб чиқаришда йўқ. Масалан, кичик новвойхона нон маҳсулотларини тайёрлайди ва худди шу ерда уларни харидорларга сотади ва харидорлардан буюртмалар қабул қилади. Бундан ташқари, харидорлар шу ернинг ўзида ўз фикрларини айтишлари, маслаҳатлар беришлари мумкин.

Қоидага кўра, кичик корхоналар товарлар ва хизматлар бозорининг белгиланган сегментида ихтисослашадилар. Ихтисослашиш – меҳнат унумдорлигини ошириш, моддий харажатларни пасайтириш, маҳсулот сифатини оширишнинг энг муҳим омилidir.”¹⁰

Кичик бизнесда нисбатан кичик бошланғич сармоялар билан

⁹ www.lex.uz ва “Norma” Ахборот тизими 2014й.

¹⁰ Лапушта М.Г., Старостин Ю.Л. Малое предпринимательство. –М.: ИНФРА-М, 2004.-102с.

шахсий ишни бошлаш ҳамда қисқа муддатда ишлаб чиқаришни ташкил этиш имконияти бор. Бу ҳолат, қулай шароитларда кичик бизнес соҳасини жадал ривожлантириш имконини беради.

Кичик фирманинг раҳбари бошқа ҳар қандай фирмаларга қараганда кўпроқ даражада хўжайинлик туйғусини ҳис қилади, зеро, у юқори идораларнинг буйруқларидан тўлалигича озод, бу ерда бир шахсда мулк эгаси, менежер, молиячи, бизнесмен бирлашади. Моддий ва маънавий муваффақиятни олиш мақсадида унумдор меҳнат қилиш учун қудратли кўшимча рағбат мана шундан иборатдир.

Кичик корхоналар маҳаллий шароитлар, урф-одатлар, анъаналарга тез мослашиш қобилиятини намоён қиладилар. Бу сифатлар кичик бизнесга маҳаллий аҳоли учун анъанавий товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги фаолиятини ривожлантиришга имкон беради. Шунинг учун ҳам кичик корхоналар косибчилик, ҳунармандчилик буюмлари, бадий-декоратив ашёлар, уй ва қишлоқ хўжалиги асбоблари, курилиш деталлари, болалар ўйинчоқлари, миллий характердаги озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш соҳасида кенг тарқалган.

Катта масштабдаги ишлаб чиқаришга нисбатан кичик корхоналар ўзларини сақлаб туриш, хизмат кўрсатиш ва бошқаришга кам харажат талаб қиладилар. Бундан ташқари, улар учун харажатларни тез ўзини қоплаши, маблағларнинг жадал айланиши характерлидир. Буларнинг барчаси тежамкорлик билан хўжалик юритишга, фойдалиликка эришишга, техник ривожланиш учун маблағлар жамлашга имкон беради.

Кичик корхоналарнинг меҳнатни ташкил қилишда меҳнат тақсимотининг алоҳида тамойилларини йўлга қуйиш, ходимларнинг иш соҳасида бир-бирларини ўзаро алмаштира олиши улар ўртасидаги ишончли муносабатлар каби хусусиятларини ҳам таъкидлаб ўтиш зарур. Ишлаб чиқаришнинг кичик кўламлари жамоада меъёрий руҳий шароитни яратиш, ходимлар қўнимсизлгини камайтириш, раҳбарлар ва бўйсунувчи

ходимлар ўртасидаги муносабатларни демократик асосда қуриш, ташаббускорлик, ижодкорлик муҳитини яратиш билан бирга ҳар бир жамоа аъзосининг юқори масъулиятли фаолиятини йўлга қўйиш имконини беради.

Кичик корхоналарнинг хўжалик фаолиятида барқарор ва фойда билан ишлашга эришиш имкониятини берувчи энг муҳим хусусиятлари ана шулардан иборатдир. Аммо бу имкониятлар ўз-ўзидан амалга ошади, кичик бизнес гуллайди, тадбиркорларнинг ҳеч қандай ҳаракатларисиз кенгайди, бу соҳада ҳамма нарса тинч ва унда алоҳида муаммолар йўқ деб ҳисоблаш хато бўлади. Кичик бизнесни ривожлантириш йўлида кўпгина тўсиқлар, қийинчилик билан ҳал қилинадиган муаммолар борки, уларни бартараф қилиш учун анчагина саъй-ҳаракатлар қилиш, доимо изланишда бўлиш, ўрганиш зарур.

Деярли барча мамлакатларида кичик бизнес корхоналари миллий иқтисодиётнинг пойдевори ҳисобланади. ЯММ ўсиш суръатлари ҳал қилувчи даражада айнан уларга боғлиқ, аслида, аҳолининг фаровонлик даражаси ҳам унинг қанчалик ривожланганлиги билан белгиланади.

Шунинг учун ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш даражасининг ошишини таъминловчи асосий ричаглардан бири сифатида қаралиши бежиз эмас. Хорижий мамлакатларда кичик бизнеснинг ривожланиши даражаси билан боғлиқ бўлган маълумотларни қуйида келтириб ўтилган жадвалда ҳам кўриш мумкин.

Жадвалдан кўринишича, бир қатор мамлакатларда кичик бизнеснинг умумий иқтисодиётдаги улуши анча катта ва ҳатто устувордир. Меҳнатга яроқли аҳолининг ярмидан кўпроғи шу соҳада ишлайди ва бу соҳада бутун маҳсулотнинг 50-60 фоизи ишлаб чиқарилади.

**Хорижий мамлакатларда кичик бизнеснинг ривожланиши
даражаси¹¹**

Мамлакатлар	Кичик бизнес субъектлари сони (минг)	1000 кишига тўғри келадиган кичик бизнес	Кичик бизнесда бандларнинг умумий бандликдаги	Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши (%)
Буюк Британия	2930	46	49	50-53
Германия	2290	37	46	50-54
Италия	3920	68	73	57-60
Франция	1980	35	54	55-62
АҚШ	19300	74	54	50-52
Япония	6450	50	78	52-55

Бозор иқтисодиётига йўналтирилган кўпгина мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик экспорт бозорлари фаолиятида фаол иштирок этиб, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг кўпайишига кўмаклашиб ва аҳоли бандлигини таъминлаб, иқтисодиётнинг асосини ташкил қилади. Ривожланган мамлакатларда банд аҳолининг катта қисми айнан кичик бизнесда банд бўлиб, уларнинг мамлакат ЯИМни ишлаб чиқаришдаги улуши юқоридир.

“Ўзбекистонда ушбу кўрсаткичлар нисбатан ўтган даврларга караганда ўсиб бормоқда”¹².

Жадвалда кўринадик, 2013 йилнинг январ-декабрида ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 55,8 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 фоизга кўпдир. 2013 йилнинг январ-декабрида кичик корхона ва микрофирмаларнинг ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши 34,6 фоизни ташкил этди, 2012 йилнинг январ-декабрида ушбу кўрсаткич 33,9 фоизга тенг бўлган.

¹¹ Б.Ю. Ходиев, М.С. Қосимова, А.Н. Самадов “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” Ўқув қўлланма. – Т.ТДИУ, 2010й. -86б.

¹² <http://www.stat.uz> ва //Халқ сўзи. 2014 йил 18 январ

**Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг
ривожланиш динамикаси**

Йиллар	КБХТ да бандларнинг умумий бандликдаги улуши, %	ЯИМ да КБХТ нинг улуши, %
2000	50,0	31,0
2001	53,0	33,8
2002	55,0	34,6
2003	56,1	35,0
2004	57,2	35,6
2005	65,5	38,2
2006	69,3	42,1
2007	72,1	45,7
2008	73,1	48,2
2009	73,9	50,1
2010	74,3	52,5
2011	74,8	54,0
2012	75,0	54,6
2013	76,0	55,8

Манба: www.stat.uz

Бу ҳолат эса мамлакатда ҳали кичик бизнесни ривожлантириш борасида мавжуд салоҳият ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, ривожланган мамлакатлар кўрсаткичларига эришиш бўйича узоқ ва машаққатли иш олиб борилиши зарурлигини кўрсатади.

“Мамлакатнинг тадбиркорлик иқлими ҳақида сўз юритганда, биринчи навбатда, кичик бизнес соҳасидаги ишларнинг ҳолати бўйича мулоҳаза қилинади. У иқтисодиёт соғлиғининг барометри ҳисобланади. Ташқи сармоядорлар у ёки бу иқтисодиётга сармояларни инвестициялаш ҳақидаги қарорни қабул қилишдан аввал кичик ва хусусий бизнеснинг ри-

вожланганлик даражасини ўрганишлари тасодифий эмас. Уларнинг фикрига кўра, бу ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг кўзгуда акс эттирилиши, бозор иқтисодиёти жараёнлари барқарорлигининг кафолати ҳисобланади.

Ўзининг «Сони», «Панасоник», «Тошиба», «Мицубиси», «Сейко» корпорациялари билан дунёга машхур бўлган Японияни олайлик. Бу корпорациялар мамлакатнинг иқтисодий юзини тўлиқ даражада белгиламайди. Япониянинг умумий иқтисодиётида улар фақат бир фоизни ташкил қилади, 99 фоизи эса бу кичик корхоналардир. Япон иқтисодиётининг муваффақияти кўпроқ кичик бизнеснинг фаолиятига боғлиқ. Бу кичик корхоналар нафақат муваффақиятли ишлайдилар, балки саноат гигантларига қудратли рақобатни ташкил қиладилар, улар шубҳасиз ўзларининг кичик шерикларисиз бутун жаҳонга машхур бўла олмасдилар. Японияда катта корпорациялар маҳсулотларининг деярли 40% кичик корхоналардан иборат бўлган субпудратчилар томонидан бажарилади.»¹³

АҚШ иқтисодчилари ва тадбиркорларининг фикрича, йирик корпорациялар иқтисодиётининг суягидир, унинг мускуллари эса, катта бизнесни ҳаракатга келтирувчи кичик компаниялардир. Масалан, «Дженерал электрик» компанияси асосан кичик корхоналар бўлган субпудратчиларнинг 45 мингта фирмалари билан боғланган.

Шундай қилиб, ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятида кичик бизнеснинг роли ғоятда каттадир. Бошқача қилиб айтганда, у давлатнинг муваффақиятли ривожланиши ва гуллаб-яшнашининг гаровидир. Шунинг учун Ўзбекистонда кичик бизнес, якка тартибдаги тадбиркорлик, фермер ва деҳқон хўжаликлари ривожланишини рағбатлантиришга катта эътибор қаратилган.

“Шундай экан, кичик корхоналарнинг роли ва аҳамияти нимадан

¹³ Самадов А.Н. Кичик бизнесни бошқариш фанидан маърузалар матни. –Т.: ТДИУ, 2013. - 57б.

иборат? Булар, қисқача айтадиган бўлсак, қуйидаги омилларда намоён бўлади.»¹⁴

- кичик корхоналар бозорнинг товарлар ва хизматлар билан тез тўлдирилишига ёрдам берадилар, ички бозорни шахсий ишлаб чиқарилган товарлар билан бойитади;

- кичик корхоналар енгил ва озиқ-овқат саноатининг салмоғини ошириб, мамлакатни хом ашё ёки ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналганлик ҳолатидан чиқариб, иқтисо-диётни таркибий қайта қуришга фаол таъсир қилади;

- кичик корхоналар, иқтисодиётнинг двигатели бўлгани ҳолда, соҳавий ва минтақавий якка ҳокимликни бартараф қилишга, рақобат соҳасини кенгайтиришга ёрдам беради;

- кичик фирмаларнинг фаолиятида илғор, ихчам технологиялардан фойдаланиш алоҳида ўрин тутади, зеро, бу илмий-техник тараққиётнинг муҳим йўналишлардан биридир;

- кичик корхоналар экспортга мўлжалланган ва рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан шуғулланиб, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширади;

- маҳаллий идораларнинг иқтисодий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ аҳоли пунктлари, кичик шаҳарларнинг ривожланишига таъсир кўрсатишда уларнинг роли каттадир;

- кичик корхоналар унутилган, анъанавий халқ амалий санъати, бадий ҳунармандчиликнинг тикланишига кўмаклашади, бу нафақат иқтисодиёт, балки халқ маданий меросини тиклашда ғоятда муҳимдир;

- кичик корхоналар кўпинча йирик корхоналарни бутловчи деталлар ва қисмлар билан таъминлаб, уларнинг йўлдоши бўлади, бу йирик ва кичик бизнес манфаатларини бирлаштиришнинг самарали усули бўлади;

¹⁴ Юсупов М.А., Эргашхўжаева Ш.Ж. Тадбиркорлик асослари фанидан маърузалар матни. –Т.: ТДИУ, 2013. -34б.

- кичик корхоналарда пенсионерлар, ногиронлар, ёшлар, талабалар, уй бекаларининг меҳнат қилиш имконияти бор, бу эса уларнинг моддий аҳволининг яхшиланишига ёрдам беради;

- кичик бизнес меҳнатни қўллаш соҳасини кенгайтириш, иш билан банд бўлмаган аҳолини ва самарасиз ишловчи корхоналардан озод бўлган ходимларни ишга жойлаштириш учун янги имко-ниятлар яратишга, бошқача қилиб айтганда, ишсизликни камайтиришга имкон беради;

- кичик бизнеснинг ривожланиши ҳисобига хусусий мулкчилик соҳаси кенгаяди, бу жамият ва давлатнинг таянчи бўлиб хизмат қилувчи ўрта ҳоллар синфининг шаклланиши, мамлакатда барқарорликнинг муҳим шarti бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, кичик бизнеснинг ривожланиши мамлакатнинг иқтисодий фаровонлигини оширишда ва муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда катта рол ўйнайди.

1.2. Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш жиҳатлари

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, энг аввало ҳуқуқий негизини ташкил этишдан бошланади.

Янги корхонани ташкил қилишда таъсисчилар таркиби белгиланиб, таъсис ҳужжатлари, яъни корхона Низоми, корхонани ташкил этиш ҳақидаги таъсисчилар шартномаси ва бошқа меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилади.

Агар тадбиркор рухсат этилган фаолиятни амалга оширишда лицензияда белгиланган қонун-қоидалар ёки амалдаги қонунларни бузса, шунингдек аҳоли ҳаётига хавф-хатар келтирувчи фаолият билан шуғулланса, у ҳолда лицензия берган муассаса тадбиркорни лицензиядан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ҳақлидир.

Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш учун давлат томонидан вакил қилинган органлардан лицензия олгандан кейингина

ижозат берилади. Лицензия берувчи органлар жадвалда келтирилган.

6-жадвал

Лицензия берувчи органлар¹⁵

Лицензия берувчи органлар	Фаолият тури
Вазирлар Маҳкамаси	-ракета-космик мажмуи; -алоқа тизимлари; -қимматбаҳо металллар; -қимматбаҳо тошлар қазиб олиш;
Адлия вазирлиги	-юримдик шахсларнинг юримдик фаолият билан шуғулланишга, масалан, адвокатлик маслаҳати,
Молия вазирлиги	-қимматли қоғозларни чиқариш; -потеня ўйинларини ўтказиш ва бошқалар
Марказий банк	-валюта қийматликлари билан операциялар ўтказиш.
Ички ишлар вазирлиги	-овчилик ва спорт ўқотар қуроллари ва уларга ўқдорилар ишлаб чиқариш, тузатиш ва сотиш; -совуқ қуроллар ишлаб чиқариш ва сотиш; -таркибида наркотик моддалар бўлган экинларни
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	-фармакологик препаратлар ишлаб чиқариш ва сотиш; -тиббий хизмат кўрсатиш;
Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус	-соғломлаштириш ва болалар, ўсмирлар ҳамда ёшлар лагерларини ташкил қилиш;
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар	Алоқа хизмати кўрсатиш.

Агар тадбиркорлик фаолияти тугатилса ёки тадбиркор лицензиядан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилинса, у ҳолда лицензия берган муассаса лицензияни бекор қилади.

¹⁵Б.Ю. Ходиев, М.С. Қосимова, А.Н. Самадов Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.ТДИУ, 2010й. -1216.

Мустақиллик йилларида республикамизда кичик бизнес сезиларли ривожланди. Аммо кичик корхоналарни ташкил қилиш суръати, уларнинг барқарор ривожланиши ва умумий иқтисодий тизимдаги ўрни хали бозор иқтисодиёти талабларига тўла жавоб бермайди. Кичик бизнесни ривожлантириш йўлида кўплаб қийинчиликлар пайдо булди, уларни фақат давлат томонидан кўрилган ташкилий ва ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар асосидагина бартараф қилиш мумкин.

Бозор иқтисодиётининг муҳим соҳаси бўлган кичик бизнесни ташкил қилиш ва уни ривожлантириш биз учун янги ва мураккаб жараён бўлиб, доимий эътибор қаратишни, ёрдам ва қўллаб-қувватлашни талаб қилади. Тадбиркорлар ўз фаолиятларининг барча босқичларида кўплаб тўсиқларни енгиб ўтишга мажбур бўлмоқдалар, катта қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Буларга:

- тадбиркорларни тижорат банклари, бизнес-фондлар ва бошқа тузилмалардан кредит олишда қийинчиликларга дуч келгани;
- банк тўловларини расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисоботи формаларини тўлдиришда қийинчиликларга дуч келгани;
- тадбиркорларнинг кўпсонли назорат органлари томонидан текширувларнинг тез-тез бўлиб туришини;
- солиқларнинг юқорилигидан шикоят қилгани;
- тадбиркорларни судлар хўжалик ва бошқа масалалардаги низоларни ҳал қилишга қодир эмас, деб ҳисоблашларини;
- ниҳоят, тадбиркорларнинг 80 фоизи экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда жиддий қийинчиликларга учраётганлигини киритиш мумкин.

Ушбу ҳолат фақат ўз кучларига ишониб тадбиркор бўлиш истагининг ўзи кичик бизнесни тез ва муваффақиятли ривожлантириш учун етарли эмаслигидан далолат беради.

Тадбиркорлар дуч келаётган қийинчиликлар ва муаммоларнинг бундай узун рўйхатини келтиришдан мақсад уларнинг хўжалик юритиш жараёнида

кўплаб тўсиқларга дуч келаётганлигини, уларнинг бозор муносабатларига ўтиш даврида турли омиллар билан курашаётганликларини кўрсатишдир.

Тадбиркорлик фаолиятида кузатилаётган кўплаб қийинчиликлар ва камчиликлар кичик бизнесни барпо этиш ва ривожлантиришни жиддий кўллаб-қувватлаш зарурлигини тасдиқлайди. Бу аввало, тадбиркорлик фаолиятининг ўзи билан боғлиқ бўлган, кичик бизнесни ташкил қилишнинг моҳиятидан келиб чиқадиган қийинчиликлардир. Кўпгина кичик корхоналарда тадбиркорларнинг ўзлари таъминот, савдо, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, иқтисод, бухгалтерия ва шу каби барча бошқарув функциялари билан якка тартибда шуғулланадилар. Табиийки, бир кишига бу мураккаб функцияларнинг барчасини профессионал даражада бажариш қийинлик қилади. Шунинг учун хўжалик жараёнларида қабул қалинаётган қарорлар ҳар доим ҳам самарали бўлмайди, бу эса кичик корхоналарнинг банкрот бўлишига олиб келаётган асосий сабаблардан биридир.

Тадбиркорлик фаолиятининг ўзига хос хусусияти борлиги сабабли унда тинимсиз равишда меъёрланмаган машаққатли меҳнат, улкан масъулият, хатарларнинг катталиги ва даромадларнинг мунтазам эмаслиги каби шахсий муаммолар вужудга келиб туради. Бундан ташқари, тадбиркор ҳар доим ёлланма ишчилар, ижарачилар, банклар, молия органлари, истеъмолчилар олдидаги шартнома мажбуриятларини бажариш ташвишида бўлади. Кичик корхоналарнинг фаолиятига инфляция, нархларнинг ўсиши, талабнинг камайиши, валюта курсларининг нисбати каби бозор муносабатлари тўлиқ шаклланмаган тизимга хос бўлган иқтисодий ўзгаришлар таъсир қилиб туради.

“Иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий характердаги чора-тадбирларга қарамай, тадбиркорлик фаолиятида кўпгина ҳал қилинмаган муаммолар ўз ечимини кутиб турибди. Уларнинг энг асосийларини қуйида келтирамиз:”¹⁶

- кичик корхоналарни замонавий ва истиқболли ривожлантиришнинг

¹⁶ Бекмуродов А.Ш., Гафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устувор йўналишлар. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007. -1326

методологик масалалари на худудий ва на тармоқ миқёсда ишлаб чиқилмаган. Республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг умумий кўрсаткичларида кичик бизнеснинг миқдорий таркиби ва салмоғини аниқ ҳисобга олиб бориш тизими йўқ. Айрим тадбиркорлик фаолият турларининг роли ва тутган ўрнини аниқлаш қийин. Ахборот таъминотига оид муаммолар кичик бизнесни ривожлантириш тенденцияларини аниқлашга, тадбиркорлик жараёнининг муайян йўналишларини ва устувор соҳаларини танлашга имкон бермайди;

- республика ва маҳаллий ҳокимият органларидаги маъмурий-бўйруқбозлик тизими тушунчалари билан эскича фикрлайдиган раҳбар ходимларнинг эскича қарашлари сақланиб келмоқда, уларнинг бозор шароитларига мослаша олмаётганлиги яққол сезилиб турибди. Бунинг оқибатида кўпгина прогрессив (илғор) ҳуқуқий актлар ва ҳукумат қарорлари етарлича тўлиқ ва ўз вақтида бажарилмай қолмоқда;

- тармоқ ва худудий бошқарув органлари тадбиркорларнинг муаммоларини ҳал қилиш мақсадида уларнинг фаолиятини чуқур таҳлил қилмаяпти, уларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида интуиция йўқ. Бозор иқтисодиётида юзага келган инфратаркиб ҳали натижа бермаётганлиги туфайли тадбиркорлар ахборот хизматларидан маҳрум, улар бизнес-режалар тузишда ёрдамга, малакали маслаҳатчиларга, аудитор хизматларга муҳтож;

- маҳаллий органлар томонидан тадбиркорларга бўш иш ўринларини, бино ва иншоотларни, тугалланмаган қурилиш объектларини, фойдаланилмаётган транспорт воситаларини бериш бўйича шошилиш чоралар кўрилмаяпти. Улар кичик корхоналарда давлат буюртмаларини жойлаштириш билан деярли шуғулланмайдилар;

- мулк эгаларига бинолар бузилганда, мулклар турли сабабларга кўра тақсимланганда ўз мулкларига тааллуқли аниқ қафолатлар беришни таъминловчи таъсирчан механизм охиригача ишлаб чиқилмаган;

- тижорат банклари томонидан кўплаб чеклашлар мавжуд. Кўплаб расмиятчиликларнинг ҳал қилинмаганлиги туфайли имтиёзли кредитлар

олиш, айниқса, қийин;

- меъёрий ва йўриқнома материалларини ишлаб чиқишда кичик бизнесга хос фаолият характери, уларнинг ўзига хос хусусиятлари тўлиқ ҳисобга олинмайди.

Бу муаммоларнинг барчаси кичик корхоналарни ташкил қилинган пайтдан барқарор фаолият босқичига қадар қўллаб-қувватлаш зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

“Хўш, тадбиркорлар ёрдамни кимдан кутиши керак? Аввало дўстлар ва танишлардан (пул топиш йўлларида бири). Эски алоқаларга мурожаат қилиш ҳам мумкин. Баъзи фирмалар ўз маслаҳати билан ёрдам қилиши мумкин. Яна тадбиркорларнинг турли бирлашмалари, иттифоқ ва уюшмалар бор. Аммо энг асосий ёрдам фақат давлат томонидан, унинг марказий ва маҳаллий бошқарув органлари томонидан бўлади.”¹⁷

«Бундай қўллаб-қувватлаш сўнги йилларда тобора кенгайиб ва кучайиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириши қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга қаратилган янги қонун, қарор ва фармонлар қабул қилинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ПФ-3620-сонли «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, ПФ-3622-сонли «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинланштириш тўғрисида»ги Фармонларини, ПҚ-100-сонли «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-100-сонли «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини

¹⁷ Морелл Д. Как делать прогнозы в бизнесе. О руководство для предпринимателей / Перевод с англ. –М.: НИППО, 2004.-215с.

такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, микрофирмалар ва кичик корхоналар давлат солиқ хизмати органларига солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ва бошқа мажбурий тўловларни энди ҳар ойда эмас, балки чоракда бир марта топширишга ўтказилди.»¹⁸ Ушбу қарор қабул қилингунга қадар, микрофирмалар ва кичик корхоналар – ягона солиқ тўловчилар солиқ хизмати органларига ҳар чоракликда фаолият турига қараб, солиқлар ва мажбурий тўловлар юзасидан 10-15 та ҳисоб-китобни тақдим этардилар. Энди ягона солиқ тўловчиларнинг топширадиган ҳисоб-китоблари сони 7 тадан 4 тагача, ягона солиқ тўловини тўловчиларники эса 4 тадан 1 тагача қисқарди.

Ўз фаолиятини савдо ва умумий овқатланиш соҳасида амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳар чоракда солиқлар ва мажбурият тўловлар бўйича ўртача 13 та ҳисоб-китобни тақдим этарди. 2013 йил 1 июлдан бошлаб эса солиқ тўловчиларнинг ушбу тоифаси учун топшириладиган ҳисоб-китоблар миқдори 8 тагача қисқартирилди. Ҳисоб-китобларни тақдим этишнинг бу тартиби жорий қилиниши кичик бизнес субъектларига моддий харажатларни анча камайтириш имконини яратди.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3619-сонли «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонининг аҳамияти шундан иборатки, Фармон қабул қилинишига қадар назорат қилувчи органлари тадбиркорлик субъектларига молиявий жарималар қўллаш, банклардаги ҳисоб-варақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат фойдасига ўтказиш, лицензия ва рухсатномаларни бекор қилиш, улар фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш каби бир қанча таъсир чораларини қўллаш ҳуқуқига эга эдилар. Фармондан кейин эса юқорида кўрсатилган тадбиркорлик субъектларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд орқали амалга

¹⁸ Norma Ахборот тизими 2014 й ва www.lex.uz

ошириладиган бўлди. Бу Фармон турли назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашувига барҳам берилди.

Вазирлар Маҳкамаси қошида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши фаолият кўрсатмоқда. Унинг ҳузурида бешта ишчи гуруҳи ташкил қилинган. Ушбу кенгаш республика минтақаларида кичик бизнесни ривожлантириш бўйича муайян чора-тадбирларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади, шу муаммоларни ҳал қилиш бўйича соҳа органларининг фаолиятини мувофиқлаштиради.

Давлат томонидан берилаётган ёрдамдан ташқари, Ўзбекистонда тадбиркорликнинг барпо этилиши ва ривожланиши мобайнида тадбиркорларнинг ноҳукумат ва нотижорат ташкилотларига бирлашиш йўли билан ўз-ўзини қўллаб-қувватлаш шакллари тобора кенг тарқалмоқда. Ушбу ташкилотлар тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади, ўз аъзоларини турли шаклларда қўллаб-қувватлайди ва уларга хизматлар кўрсатади. Буларга мисол қилиб Савдо-саноат палатаси, Фермер хўжаликлари уюшмаси, Тадбиркор аёллар уюшмаси, Анъанавий бадий хунармандчилик ва усталар уюшмалари ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

II-Боб. Ўзбекистон иқтисодиёти кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожланиш ҳолати таҳлили

2.1. Мамлакатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат ва жамиятимиз ривожда алоҳида ўрин эгаллайди. Бугунги кунда биз бу соҳани ривожлантирмасдан туриб иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ички бозоримизни рақобатдош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, аҳолини иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, фаровонлигининг ошиб боришига эришишда энг асосий омиллардан бири ҳисобланади ҳамда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий таянчи ва пойдевори бўлган мулкдорлар синфининг, яъни ўрта синфнинг шаклланиши ва мустақамланишини таъминлайди. Шунингдек, бу соҳа ҳозирда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш, солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

**Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес
субъектларининг улуши, минг киши**

Кўрсаткичлар номи	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Янгидан ташкил этилган иш ўринлари	661	940,5	950,0	956,2	973,5
шу жумладан:					
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда	374,3	391,8	480,0	600,1	602,2
Фоиз ҳисобида	57,0	41,7	50,5	62,8	61,9
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликдаги бандларнинг жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида	72,7	74,2	74,4	74,8	75,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Жадвалдан кўринадикки, кейинги даврда мамлакатимизда йилига 1 млн.га яқин янги иш ўринлари ташкил этилаётган бўлса, уларнинг ярмидан кўпи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келмоқда.


2013 йил давомида иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга оширилиши натижасида қарийб 970 минг киши иш билан таъминланди.

Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу соҳаларда 480 мингдан ортиқ, касаначиликни кенгайтириш ҳисобидан эса 210 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди¹⁹. Бу эса кичик бизнес

¹⁹ 2013 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. - <http://www.cbu.uz/uzc/node/42573>

соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин эгаллашини кўрсатмоқда.

Сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотигадаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар мустақил тараққиётнинг дастлабки палласи – 1991 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотигадаги улуши атиги 1,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2000 йилда ушбу кўрсаткич 31 фоизга, 2013 йилда эса 55,8 фоизга етди, яъни 2000 йилга нисбатан деярли 21 баробар, 1991 йилга нисбатан эса 37 баробар ўсди.



1-чизма. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотигадаги улуши, фоизда.²⁰

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши иқтисодиёт бошқа соҳа ва тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажмидаги салмоғининг ошиши орқали ҳам намоён бўлди. Хусусан, мазкур соҳанинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши 2005 йилдаги 10,0 фоиздан 2012 йилда 22,2 фоизга, қишлоқ хўжалигида тегишли равишда 85,7 фоиздан 98,0 фоизга, савдода 43,7 фоиздан 45,3 фоизга, юк ташишда 24,6 фоиздан 81,4 фоизга, асосий капиталга инвестициялар ҳажмида 24,0 фоиздан 35,2 фоизга, экспорт ҳажмида эса 6,0 фоиздан 15,7 фоизга қадар ошган.

Мазкур соҳанинг иқтисодиётнинг етакчи бўғинига айланишида мамлакатимиз ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан,

²⁰ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, содаллаштириш ва арзонлаштириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳим роль ўйнамоқда.

8-жадвал

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларининг иқтисодий тармоқларидаги улушининг 2005-2012 йиллардаги ўсиш суръати, фоизда

Кўрсаткичлар	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
Саноат	10,0	10,9	13,2	14,6	16,9	19,6	21,0	22,2
Қишлоқ хўжалиги	85,7	93,9	97,5	97,8	97,9	97,9	97,9	98,0
Инвестиция	24,0	26,5	23,7	24,6	23,7	30,8	33,0	35,2
Қурилиш	50,9	52,1	55,4	58,4	41,6	52,3	69,0	70,7
Савдо	43,7	45,7	48,2	48,1	46,3	50,5	47,2	45,3
Хизмат кўрсатиш	52,5	50,8	50,1	48,5	47,6	47,7	46,5	44,7
Юк ташиш	24,6	27,2	34,7	38,9	39,5	40,0	77,9	81,4
Йўловчилар ташиш	65,7	69,4	75,7	78,5	78,9	78,9	86,3	87,8
Экспорт	6,0	10,7	14,8	12,4	14,6	13,6	18,8	15,7
Импорт	33,7	34,5	32,0	35,7	42,5	36,6	37,4	37,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси


Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматлар умумий ҳажмидаги улуши барқарор равишда ўсиб бормоқда.

Хусусан, 2013 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 55,8 фоизи, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, маҳсулот экспортининг

18,0 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келди. Шу билан бирга, иқтисодиётда жами иш билан банд бўлган аҳолининг 75,0 фоизи шу соҳада фаолият юритмоқда²¹.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётгани муҳим ҳисобланади. Хусусан, 2010 йилда кичик бизнес субъектлари учун белгиланган ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга, 2011 йилда 6 фоизга, 2012 йилда 5 фоизга пасайтирилган.

-чизмадаги маълумотлардан кўринадики, 1996-2012 йиллар мобайнида кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 5 фоизга ёки 7,6 мартага қисқарган.



2-чизма. Кичик бизнес субъектлари учун белгиланган солиқ ставкалари, фоиз.²²

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги «Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4455-сонли ва 2011 йил 24 августдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4354-сонли фармонлари ва 2011 йил 11 мартдаги «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига


²¹ 2013 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. - <http://www.cbu.uz/uzc/node/42573>

²² Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1501-сонли Қарори билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг янада эркинлаштирилиши ҳамда улар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар, соҳанинг янада ривожланишига ва натижада ушбу сектор субъектлари томонидан банк хизматлари ва кредитларига талабнинг ошишига имкон бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги ПФ-4453-сонли Фармони талабларидан келиб чиқиб, хўжалик юритувчи субъектлар муайян ҳисоботларни солиқ ва статистика органларига йилда бир марта тақдим этишини инобатга олган ҳолда тижорат банклари томонидан кредит маблағлари ажратилиши жараёнида янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари учун қўшимча равишда молиявий ҳисоботлар тақдим этилиши бекор қилинди.

Шу билан бир қаторда, кредит олиш юзасидан аризаларни электрон тизим орқали қабул қилиш амалиётини йўлга қўйиш имконияти яратилди²³.



3-чизма. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори, млрд. сўм.²⁴


Бажарилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида, 2001 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 171,5 миллиард сўм кредит ажратилган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 6982,0 миллиард сўмни ташкил этди.

²³ 2013 йилда пул-кредит соҳасидаги вазият ва монетар сиёсатнинг 2014 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. - <http://www.cbu.uz/uzc/node/42573>

²⁴ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Чизмадаги маълумотлардан кўринадикки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилган кредитлар миқдори 2001-2013 йиллар мобайнида деярли 41 мартага ўсган.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга ажратилган кредитларнинг маълум қисми микрокредитлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳажми 2008-2013 йилларда 6,8 баробар ўсди.



4-чизма. Кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларнинг ўсиш динамикаси, млрд. сўм.²⁵

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли қарори асосида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши режалаштирилган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,7 баробарга ошириш;

- халқаро молия муассасалари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдорини ошириш;

- тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаларини ташкил этиш, жамғарма маблағларини узоқ ҳамда бориш қийин бўлган жойларда, шунингдек аҳоли зич яшовчи ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун сафарбар этиш;

²⁵ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш хажмини ошириб бориш;

- мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари беришни янада ошириш ва ҳоказолар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестициялар хусусан, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (KfW), Хитой Халқ Республикаси ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар томонидан кредитлар кенг жалб этилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг кредит линиялари ва грантлари ҳисобидан 145,4 млн. доллар миқдоридан кредит маблағлари ажратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1438-сонли қарорига кўра халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори 2014 йилда 130 миллион долларни, 2015 йилда эса 155 миллион долларни ташкил этиши мўлжалланган.

Республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларнинг ички ва ташқи бозорда рақобатлаша оладиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишни изчил йўлга қўя оладиган мустаҳкам иқтисодий соҳага айланишини таъминлаш лозим.

2.2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш ҳолати таҳлили

Республикаимизда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида турли хил молиявий воситалар орқали бу соҳани қўллаб-қувватлаш устувор йўналиш сифатида амал қилиб келмоқда. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини рағбатлантиришда солиқ тизимидан фойдаланиш ўз самарасини бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”²⁶ги ПҚ-1887-сонли қарорига мувофиқ, 2013 йилда иқтисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг амалдаги 6 фоизли ставкаси 1 фоизга камайтирилиб, 5 фоиз қилиб белгиланди.

Бунинг натижасида кичик бизнес субъектлари ихтиёрига давлат бюджетига тўлаши лозим бўлган 80 миллиард 300 миллион сўмлик маблағ уларнинг молиявий имкониятларини кучайтириш учун қолдирилди, провардида эса уларда ишлаб чиқариш ҳажми ўсган ҳолда, янги иш ўринларини яратишда ушбу субъектларнинг улуши ошиши таъминланди.

Охириги йилларда кичик бизнес субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси йил сайин камайиб бориши кузатилмоқда. 2013 йил учун белгиланган солиқ ставкаси 1996 йилга нисбатан, 8,6 марта, 2000 йилга нисбатан 7 марта, 2005 йилга нисбатан эса 4 мартага қисқартирилган.

9-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси

Йиллар	1996	2000	2005	2009	2010	2011	1012	1013
Солиқ ставкаси	38	31	15	8	7	6	5	5

Манба: www.stat.uz

2013 йил Юртбошимиз томонидан “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши муносабати билан оилавий хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда солиқ тизимининг роли янада оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 25 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиктисодий

²⁶ Манба: www.lex.uz ва “Norma” Ахборот тизими

кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"²⁷ги ПҚ-1887-сонли қарорига мувофиқ, хизмат кўрсатиш соҳасида, айниқса сартарошлик ва бошқа шу каби маиший хизматлар соҳасида фаолиятни кўрсатаётган якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқставкалари ўртача 2 баробар камайтирилди.

Автомобиль транспортида юк ташишга оид хизматларни кўрсатувчи якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ҳудудлар бўйича унификация қилинди ва қатъий ягона солиқ ставкалари белгиланди. 2013 йил учун ишлаб чиқилган солиқ сиёсатида кичик бизнес субъектларига нисбатан солиқ имтиёзлари кенгайтирилди, айримларининг муддати узайтирилди. “Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сонли Қарори билан микрофирма ва кичик корхоналарга берилган солиқ имтиёзлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2009 йил 25 октябрдаги ПҚ-1050-сонли Қарори билан берилган солиқ ва божхона имтиёзлари 2014 йилнинг 1 январига қадар узайтирилди.

Ўтган йиллар давомида малакатимизда солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Жумладан, мамлакатимиздаги енгил ва озик-овқат саноатининг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналари, шунингдек, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурида иштирок этаётган корхоналар учун кенг кўламли қўшимча солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги

²⁷ Манба: www.lex.uz ва “Norma” Ахборот тизими 2014й.

«Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1047-сонли Қарори билан.»²⁸ 2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб гўшт-сут маҳсулотини саноат кўламида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш борасидаги фаолият фақат юридик шахс шаклида ташкил қилинган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилиши; гўшт ва сутни қайта ишлайдиган корхоналарга ўз маҳсулотини автофургонларда аҳолига нақд пулга сотиш ҳуқуқи берилди, бунда нақд маблағлар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар куни инкассация қилиниши шартлиги белгилаб қўйилди.

Мазкур қарор билан 2014 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашаётган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлов ставкасини 50 фоизга камайтириш, бўшайдиган маблағларни ишлаб чиқариш корхоналарини техникавий қайта жиҳозлаш ва модернизация қилишга, шу жумладан, янги лабораториялар барпо этиш ва мавжудларини жиҳозлашга, янги маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга, шунингдек, хомашё базасини ривожлантиришга мақсадли тарзда йўналтириш, гўшт ва сут етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, юртимизда ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилиш каби солиқ ва божхона имтиёзлари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 29 январдаги «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1051-сонли Қарорига асосан янгидан ташкил этилаётган таъмирлаш-қурилиш

²⁸ Манба: www.lex.uz ва “Norma” Ахборот тизими 2014й.

ташкilotлари 2014 йил 1 январгача:

– солиқларнинг барча турларини ва давлат мақсадли фондларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинди;

– Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган қурилиш техникаси ва кичик механизациялаш воситалари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно) озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 19 июндаги «Деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПҚ-1134-сонли қарорига асосан:

2009 йилнинг 1 июлидан бошлаб, 2014 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда махсус печлардан фойдаланган ҳолда замонавий энергия тежайдиган технологиялар асосида пишган ғишт ишлаб чиқарувчи корхоналар барча турдаги солиқлар, давлат мақсадли жамғармаларига ва мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинди.

2014 йилнинг 1 январидан бошлаб, фойдали қазилмаларни қазиб чиқарувчи ва ер қаъридан фойдалангани учун солиққа тортилувчи микро-фирмава кичик корхоналарга пишган ғишт ишлаб чиқарганида ер қаъридан фойдалангани учун солиқ тўлаш бўйича мажбуриятларни сақлаб қолган ҳолда, ягона солиқ тўловини тўлашга ўтиш ҳуқуқи бериладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада кўллаб-қувватлаш тўғрисида» ги ПФ-4210-сонли Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қабул қилинган 2008 йил 1 апрелдаги ПФ-3983-сонли Фармонида назарда тутилган, уй шароитида халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар томонидан қатъий белгиланган

солиқни тўлаш юзасидан солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати «Хунарманд» уюшмаси аъзолари - якка тартибдаги тадбиркорлар учун 2013 йилнинг 1 апрелигача узайтирилди.

2014 йилда ҳам бу масалалар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”²⁹ги 2011 йил 4 майда қабул қилинган ПФ-4296-сонли Фармони кичик бизнес субъектлари фаолиятининг давлат томонидан янада қўллаб-қувватланишининг муҳим ҳуқуқий асоси сифатида катта аҳамият касб этмоқда. Ушбу Фармонга мувофиқ, янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширувидан ўтказилмайди. 2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқлаб қўйилди. Кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календарь кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2011 йил 24 августда қабул қилинган ПФ-43-54-сонли Фармонига мувофиқ, 2011 йилнинг 1 октябридан бошлаб солиқлар, божхона божлари ва йиғимлари,

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”²⁹ги 2011 йил 4 майда қабул қилинган ПФ-4296-сонли Фармони

шунингдек, бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузгани сабабли пеня миқдори кечиктирилган ҳар бир кун учун пеняни ҳисоблаш тартиби сақланган ҳолда, унинг амалдаги миқдорига нисбатан учдан бир қисмга камайтирилди; юридик шахсларга текширувлар натижалари бўйича кўшимча ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек, молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб олти ой мобайнида тенг улушларда тўлаш ҳуқуқи белгиланди.

2.3. Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда давлатнинг таъсири таҳлили

Республикада амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади.

Бугунги кунда республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш масаласига давлатимиз иқтисодий сиёсатининг стратегик вазифаси сифатида қаралмоқда.

Кичик бизнес капитал тақчиллиги шароитида кўп маблағ талаб этмайдиган хўжалик фаолияти сифатида ресурслар айланмасининг юқори суръатларини таъминлайди, иқтисодиётни қайта қуриш, иқтисодий нобарқарорлик ва ресурслар чекланганлиги шароитида истеъмол бозорини шакллантириш ва уни тўлдириш муаммосини тез ҳамда тежамли тарзда ҳал этади. Кичик корхоналар истеъмол талабининг ўзгаришига дарҳол мослашади ва шу йўл билан истеъмол бозоридаги зарурий мувозанатни таъминлайди.

Ҳозирги пайтда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалаларини ҳал этишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда. Охириги йилларда республикада кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхоналар сони йил сайин ортиб бораётгани соҳанинг изчил ривожланаётганлигидан далолат беради.

Кичик бизнес соҳасининг иқтисодиётдаги аҳамияти унинг иқтисодиётда рақобат муҳитини таъминлаш, йирик корхоналар учун маҳсулот ва хизматлар етказиб бериш, янги иш ўринларини яратиш ва иккиламчи бандликни таъминлаш, бозор тизимининг мослашувчанлигини ошириш, илмий-техникавий инқилобни жадаллаштириш, ресурсларни ишлаб чиқаришга сафарбар этиш; солиқ тушумлари ҳажмининг ўсишини таъминлаш, аҳоли даромадлари даражасини барқарорлаштириш каби омиллар билан белгиланади.

Мустақиллик йилларида кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига давлат томонидан катта эътибор берилиши ҳамда қўллаб-қувватланиши натижасида унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 фоизга кўпдир. 2013 йилнинг январ-декабрида кичик корхона ва микрофирмаларнинг ЯИМ ишлаб чиқаришдаги улуши 34,6 фоизни ташкил этди, 2012 йилнинг январ-декабрида ушбу кўрсаткич 33,9 фоизга тенг бўлган.

Хусусан, 2000 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 31 фоизи иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушига тўғри келган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни, 2009 йилда 50,1 фоизни, 2010 йилда 52,5 фоизни, 2011 йилда 54 фоизни, 2012 йилда 54,6 фоизни ва 2013 йилда 55,8 фоизни ташкил этди ёки 2000 йилга нисбатан 24 фоизга ўсди.

ЯИМ да КБХТ нинг улуши, (фоиз ҳисобида)

Йиллар	ЯИМ да КБХТ нинг улуши, %
2000	31,0
2001	33,8
2002	34,6
2003	35,0
2004	35,6
2005	38,2
2006	42,1
2007	45,7
2008	48,2
2009	50,1
2010	52,5
2011	54,0
2012	54,6
2013	55,8

Манба: [www stat.uz](http://www.stat.uz)

Кичик тадбиркорлик (бизнес) улушига 2013 йилнинг январ-декабрида ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 55,8 фоизи 9519,6 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 76,0 фоизи).

Шу жумладан:

- банд бўлганларнинг 7218,1 минг нафари индивидуал сектор, 2301,5 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 15181,8 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 24,8 фоизи) ёки 2012 йилнинг январ-декабрига нисбатан 114,6 фоизни ташкил қилди;

- 9219,9 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 33,5 фоизи) ўзлаштирилди ва 2012 йилнинг январ-декабрига нисбатан 102,6 фоизни ташкил қилди;

- 10848,2 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 71,9 фоизи) бажарилди ва 2012 йилнинг январ-декабрига нисбатан 116,2 фоизни ташкил қилди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 7,1 фоизга (республика жами автомобил транспорти юк айланмасининг 82,1 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 7,1 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 88,1 фоизи) кўпайиши таъминланди;

- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 46,3 фоизи ёки 21987,8 млрд. сўми (ўсиш 16,5 фоиз) ва аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш умумий ҳажми, мос равишда 46,7 фоизи ёки 8544,5 млрд. сўми (ўсиш 5,8 фоиз) шакллантирилди;

- 2709,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 18,0 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 5599,5 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 40,6 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

2013 йилнинг январ-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши қуйидагича ифодаланади.

Кичик тадбиркорликнинг хусусий секторида иш билан банд бўлганлар сони 8775,6 минг кишини ёки жами соҳада банд бўлганларнинг 92,2 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ҳажмида кичик тадбиркорликнинг улуши қуйидагича ифодаланади.

**2013 йилнинг январ-декабрида кичик тадбиркорлик субъектлари
маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий
тадбиркорликнинг (фуқаролар мулки) улуши**

	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида
Саноат	15181,8	30,0
Қишлоқ хўжалиги	30275,3	100,0
Қурилиш	10848,2	69,5
Чакана савдо	21987,8	68,4
Пуллик хизматлар	8544,5	87,9
Юк ташиш, млн.тн	574,9	74,3
Йўловчи ташиш, млн.киши	5836,5	93,3
Экспорт, млн. АҚШ долл.	2709,2	4,8
Импорт, млн. АҚШ долл.	5599,5	18,4

Манба: www.stat.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 11 мартда имзоланган ПҚ-1501-сонли Қарори, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”³⁰ 2011 йил 24 августда чиқарилган ПФ-4354-сонли

³⁰www.lex.uz ва “Norma” Ахборот тизими 2014й.

Фармони ва бошқа бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ва қулайликлар берилди, имтиёзли кредитлаш тизими соддалаштирилди.

Хусусан:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч банк иш кунидан ошмайдиган муддат қилиб белгиланди;

- тижорат банкларига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди;

- кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобварақ очгани учун тўлов ундириш бекор қилинди;

- имтиёзли кредитлаш ҳажмини кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар ажратишдан оладиган даромадлари 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда солиғидан озод қилинди.

Бунга асосан, жорий йилда Имтиёзли кредитлаш махсус жамғармаси маблағлари ҳисобидан кредитлар 1,3 баробарга кўпайтирилиб, уларнинг ҳажмини 24 миллиард сўмдан ошириш чоралари кўрилди.

Ушбу кредитлар асосан узоқ ва чекка, шунингдек, ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилди.

Олиб борилган салмоқли ишлар натижасида 2013 йилда тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробар ошиб, 4041 миллиард сўмни ташкил этди ва мазкур маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291 мингтадан ортиқ янги иш ўрини яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-

1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича банк тизими томонидан амалга оширилиши лозим бўлган қуйидаги устувор вазифалар белгилаб берилган:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,7 бараварга ошириш;

- халқаро молия муассасалари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдорини ошириш;

- тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаларини ташкил этиш, жамғарма маблағларини узоқ ҳамда бориш қийин бўлган жойларда, шунингдек аҳоли зич яшовчи ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун сафарбар этиш;

- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириб бориш;

- мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳарид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари беришни янада ошириш ва бошқалар.

Мамлакатимизда иш билан банд аҳолининг 74 фоизидан ортиғи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида бандлиги бу соҳага эътиборни янада кучайтиришни, жумладан тижорат банклари томонидан кредитлар ажратишни кўпайтиришни ва шу асосида янги иш ўринларини ташкил этиш, барқарор даромад манбаларини шакллантиришга замин яратиш зарурлигини тақозо этади.

“Бу борада 2013 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига жами 4 трлн. 41 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 150,2 фоизга кўп) миқдорида кредит, шу жумладан 752 млрд. сўм (ўтган йилга нисбатан 155 фоизга кўп) микрокредитлар ажратилиб, ушбу маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291126 та янги иш ўринлари яратилди.

Шу билан бирга, “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш ҳамда республика қишлоқларида микромолиявий хизматларни кенгайтириш мақсадлари учун 159,7 млрд. сўм миқдордаги микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, 104500 та янги иш ўрни яратилди.”³¹

Албатта, мамлакатимизда иқтисодий эркинлаштириш ва модернизациялаш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига янада янги замонавий банк хизматлари кўрсатиш такомиллаштирилиб борилиши талаб этилади.

Шу муносабат билан 2014 йилнинг 1 январидан бошлаб амалдаги қайта молиялаштириш ставкаси пасайтирилди. Бу эса ўз навбатида тадбиркорлик субъектларига ажратиладиган кредитларнинг фоиз ставкаларининг пасайишига олиб келиб, натижада ушбу субъектлар томонидан банк кредитларидан фойдаланиш орқали ўз бизнесларини ривожлантиришга янада кўпроқ имкониятлар яратди.

“2013 йил мамлакатимизда “Обод турмуш йили”, деб эълон қилиниши муносабати билан, аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш жойларни яратиш мақсадида банк тизимида қуйидаги ишлар амалга оширилади:”³²

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар, шу жумладан микрокредитлар ажратиш механизмлари такомиллаштирилади ва соддалаштирилади. Бунда, оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, бошланғич капитални шакллантириш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш мақсадида узоқ ва ўрта муддатли кредитларни ажратиш механизмлари қайта кўриб чиқилиб, ҳозирги давр талабларига мослаштирилади;

- тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 4 трлн. 377 млрд.

³¹ www.cbu.uz

³² www.lex.uz

сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилади, шундан микрокредитлар ҳажми 843 млрд. сўмни ташкил этади. Ушбу кредитлар биринчи навбатда бошланғич капитални тўлдириш учун ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш мақсадида ўрта ва узоқ муддатларга ажратилади;

- тижорат банклари томонидан оилавий бизнес ва ҳунармандчиликни ривожлантириш учун кредит маблағларини ажратилишига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу мақсадлар учун банклар томонидан жорий йилда 60 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилади;

- тижорат банклари томонидан ёш оилаларга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида уларга микрокредитлар ажратиш учун жами 243 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилади;

- тижорат банклари томонидан ажратиладиган кредит маблағларининг 28,3 млрд. сўми касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади;

- тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредитлаш махсус жамғ маблағлари ҳисобидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 30,0 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредитлар ажратилади. Бунда асосий эътибор устувор равишда узоқ ва бориш қийин, шунингдек ортиқча меҳнат ресурсларига эга бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қаратилади;

- тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун жами 336 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилади.

Республикадаги тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка, хусусан уларнинг модернизациялаш ва технологик янгиланишига молиявий кўмак бериш, замонавий банк хизматлари кўрсатиш кўламини янада кенгайтириш, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳолининг бандлиги таъминланишида, ички истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг кўпайишига ва минглаб оилалар даромадлари ортишида

муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусийтадбиркорликни ривожлантиришда хорижий инвестициялар кенг жалб этилмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки (KfW), Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар томонидан катта миқдорда кредитлар ажратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”³³ги қарорига кўра халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдори 2011 йилда 75 миллион АҚШ долларини, 2015 йилга бориб эса 155 миллион АҚШ долларини ташкил этиши мўлжалланган.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўрни ҳам аста-секин кенгайиб бормоқда. Унинг мамлакатимиз экспорт ҳажмидаги улуши 2013 йилда 20,1 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўпдир”³⁴

Қуйидаги жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши 2010 йилда 13,6 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 18,8 фоизни, 2012 йилда 19,2 фоизни ва 2013 йилда 20,1 фоизни ташкил этган. Бунга сабаб кичик бизнес субъектларини давлат томонидан самарали қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Кичик бизнес субъектларининг асосий экспорт маҳсулотларини қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, ишлов берувчи, электротехник ишлаб чиқариш маҳсулотлари, халқ амалий санъати буюмлари ташкил этади.

³³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”³³ги қарори

³⁴ www.stat.uz

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши
2000-2013 йиллар (фоиз ҳисобида)³⁵**

Йиллар	КБХТ нинг экспорт улуши, %
2000 йил	10,2
2001 йил	9,3
2002 йил	7,5
2003 йил	6,9
2004 йил	7,3
2005 йил	6,0
2006 йил	10,7
2007 йил	14,8
2008 йил	12,4
2009 йил	14,6
2010 йил	13,6
2011 йил	18,8
2012 йил	19,2
2013 йил	20,1

Мамлакатмизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган бир қатор фармонлар ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ – 1501 сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 79-сонли “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнишишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида” ги

³⁵ www.stat.uz

Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги ПФ-4192-сонли “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулаш ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Фармонлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ – 1501 сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига биноан тадбиркорларга қуйидаги имкониятлар яратилди:

- тижорат банкларининг Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ресурслари ҳисобидан кредит беришдан оладиган даромадлари бўшайдиган маблағларни мазкур жамғарманинг ресурс базасини оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан юридик шахслардан олинадиган фойда солиғидан 2016 йилнинг 1 январигача озод қилинди;

- устувор равишда олис ва бориш қийин бўлган туманларда, шунингдек меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларига ажратилади;

- тижорат банкларига кичик тадбиркорлик субъектларига кредит беришда кредитнинг умумий суммасида қарз олувчининг гаров таъминотини расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди;

- жамғарма ҳисобидан кредитлар энг кам ойлик иш ҳақининг икки минг бараваридан ортиқ бўлмаган суммада ажратилиши белгиланди;

- жамғарма маблағлари ҳисобидан кредитлар маҳсулот етиштириш (тамакичилик ва алкоғолли маҳсулот ишлаб чиқаришдан ташқари), ишларни бажариш, хизматлар (савдо соҳаси ва умумий овқатланишдан ташқари) кўрсатиш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларга ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”³⁶ги ПФ-4354-сонли Фармонида мувофиқ тадбиркорларга қуйидаги имтиёзлар берилди:

-2011 йил 1 сентябрдан кичик бизнес субъектларидан тижорат банкларида миллий валютада ҳисобрақами очганлик учун тўлов ундириш бекор қилинди;

-тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар ажратиш ҳақидаги аризаларини кўриб чиқиш муддати уч иш кунидан ошмайдиган муддат билан чекланди.

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”³⁶ги ПФ-4354-сонли Фармони

Ш-Боб. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш жадаллаштириш йўллари

3.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий жиҳатлари

Иқтисодиётни ислоҳ қилишга қаратилган ўндан зиёд қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилиниши нафақат иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва модернизация қилишнинг мустаҳкам асоси, балки амалга оширилаётган бозор ислохотларини ортга қайтариб бўлмаслигининг кафолати ҳам бўлди.

Шунингдек, мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг асоси бўлган хусусий мулк устуворлигини мустаҳкамлайдиган барқарор қонунчилик базаси яратилди. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, мамлакат иқтисодиётини барқарор юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш ва аҳоли даромадини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш бўйича қулай ишбилармонлик муҳити ҳамда ишончли ҳуқуқий кафолатлар яратилиши натижасида сўнгги йилларда ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес улуши йилдан - йилга ўсмоқда. Ушбу соҳада бандлик даражаси иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд аҳоли умумий сонининг 75 фоизидан ошди.

Ҳозирда давлат бошқаруви органларининг хусусий тадбиркорлик фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш, давлатнинг назорат ва бошқарув ваколатини кескин камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф қилиш бўйича ислохотлар давом этмоқда. Шубҳасиз, ушбу жараёнда лицензиялар ва турли рухсатномалар беришни кескин қисқартириш, амалдаги рўйхатга олиш, бизнес юритиш учун лицензия ва рухсатнома бериш тизимини яна бир бор чуқур таҳлил қилиш, янги корхоналар ва бизнес ташкилотларини рўйхатга олишнинг аксарият ҳолларда хабардор этиш тизимига ўтиш каби янгиликларнинг жорий қилингани бизнес субъектларини ташкил этишни соддалаштириш ва уларнинг янада эркин фаолият юритишларини

таъминлашда муҳим омил бўлмоқда. Бу борада, шубҳасиз, сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар, “Президент фармон ва қарорлари муҳим аҳамиятга эга бўлаётганини айтиш жоиз. Жумладан.”³⁷

- Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 декабрдаги, ЎРҚ–341-сонли "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида" ги Қонуни;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги, ПФ-4354-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги, ПФ-4455-сонли “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 29 январдаги, ПҚ-1913-сонли "Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатдошлилигини янада ошириш ва товарларни республикага ноқонуний олиб киришга қарши курашни кучайтириш тўғрисида" ги Қарори.

Мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик бизнес соҳасини ривожлантиришнинг устувор вазифалари белгилашда Ўзбекистонда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштиришга йўналтирилган комплекс дастур қабул қилинди. Ушбу дастур доирасида 6 та муҳим қонун ва норматив актлар мажмуаси қабул қилинди. Шунингдек, рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланиши талаб этиладиган 15 та фаолият тури бекор қилинди,

³⁷ www.lex.uz

ҳисоботларнинг шакллари ва даврийлиги бир ярим-икки баробар қисқартирилди.

Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2013 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилди.

Бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодийни либераллаштиришнинг ғоят муҳим вазифаларидан бири сифатида бюрократик ғовларни тугатиб бориш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, солиқ ва божхона маъмуриятчилигини, ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган қонун ҳужжатларини мукамаллаштириш чоралари изчил давом эттирилди. Натижада мамлакатда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишда, солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлашда, рўйхатга олиш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини амалга оширишда, ер майдонларини ажратиш ва муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишда, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини кредитлашда давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита мулоқотни, бюрократик сансалорликни истисно этувчи электрон тизимга, шу жумладан, интернет тармоғига кенг миқёсда ўтиш бўйича аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди.

“Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонун бу борадаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлаб, тадбиркорлик субъектларини ташкил этишни рағбатлантиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий кафолат бўлиб хизмат қилади. Қонунга кўра, ваколатли орган тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериши учун бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда “бир дарча” орқали амалга оширилади. Бунда ваколатли орган мазкур ҳужжатларни тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз мустақил равишда

олади. Тадбиркорлик субъектининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан қабул қилиб олинган санадан эътиборан, шу жумладан, рухсат этиш хусусиятига эга зарур ҳужжатлар “бир дарча” орқали бериладиган ҳолларда ўттиз иш кунидан ошмаслиги керак.

Агар ваколатли орган тадбиркорлик субъектининг рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддати мобайнида тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бермаса ёки уни беришни рад этмаса, бажарилиши ва амалга оширилиши учун рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат олмоқчи бўлган ҳаракатни бажариш ва муайян фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига, бу ҳақда ваколатли органни ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, эга бўлади.

Ҳужжатнинг энг муҳим жиҳатларидан бири, шубҳасиз, тадбиркорлик субъектларининг ваколатли органлар билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги принципи амал қилинишидир. Бу, шубҳасиз, юртимизда тадбиркорлик фаолиятига катта эътибор қаратилаётганининг яққол далилидир.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг, улар томонидан амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти доирасида бериладиган даъво аризаларидан даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг:

- 20 бараваригача бўлганда – даъво баҳосининг 2,5 фоизи миқдорида (амалда бўлган даъво баҳосининг 5 фоизи ўрнига);
- 20 бараваридан ортиқ бўлганда – даъво баҳосининг 5 фоизи миқдорида (амалда бўлган даъво баҳосига қараб 10, 15 ва 20 фоиз ўрнига) давлат божи ундирилади.

Давлат бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг жисмоний шахсларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситувчи ғайриқонуний хатти-ҳаракатларидан қилинган шикоятлардан энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида (амалда бўлган энг кам иш ҳақининг 5 баравари миқдори ўрнига) давлат божи ундирилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари амалга оширадиган тадбиркорлик фаолияти доирасида судларга уй-жойларни ижарага олиш шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги даъво аризалари, хатга олинган мулкни қайтариб бериш тўғрисидаги ва мулкка оид бўлмаган тусдаги (ёки баҳоланмайдиган) бошқа даъво аризалари билан мурожаат қилганда энг кам иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида (амалда бўлган энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдори ўрнига) давлат божи тўланади.

Суд қарорлари, ҳукмлари, ажримлари, судларнинг бошқа қарорларининг дубликатлари ва нусхаларини, шунингдек, томонларнинг ва ишда қатнашувчи бошқа шахсларнинг илтимосига кўра, судлар томонидан ишлардан бериладиган бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини берганлик учун ҳужжатнинг ҳар бир бети учун энг кам иш ҳақининг 0,25 фоизи миқдорида (амалда бўлган энг кам иш ҳақининг 0,5 фоизи миқдори ўрнига) давлат божи ундирилади.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолияти доирасида хўжалик судларига бериладиган даъво аризаларидан ва хўжалик судининг қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳақидаги аризаларидан ундириладиган барча давлат божи ставкалари 2 баробар камайтирилди.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар қабул қилинди. Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги принципи қонун даражасида жорий етилди.

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, экспорт қилинадиган товарларни божхонада расмийлаштириш тартиблари анча соддалаштирилди ва арзонлаштирилди. Кичик бизнес субъектларини рўйхатга олинган санадан бошлаб, уч йил мобайнида солиқ органлари томонидан режали текширишни тақиқловчи тартиб жорий қилинди. Янги, янада мукаммал, очиқ ва ошкора

давлат харидлари механизми белгиланди. Бунда иқтисодиётнинг айнан ушбу тармоғига афзаллик берилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари солиқ ҳамда молия ҳисоботларини топширишнинг электрон тизимига босқичма-босқич ўтказилмоқда.

13-жадвал

2013 йилда статистик ҳисоботлар таркибининг ўзгариши

№	Шакллар	2012 йилда амалда	2013 йилдан бекор қилинди	Даврий лиги қисқар ади	2013 йилга шакллар таркиби	Жами қисқар ишлар
1.	Жами	210	65	23	145	1,4м
2.	Кичик бизнес субъектларида н ташқари	191	58	20	133	1,4м
3.	Кичик бизнес субъектлари учун	19	7	3	12	1,6м
3.1	Кичик корхоналари учун	17	7	2	10	1,7м
3.2	Микрофирмал ар учун	17	8	2	9	1,9 м.
3.3	Фермер хўжаликлари учун	2	-	1	2	-

Манба: www.stat.uz

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 18 июлда қабул қилинган “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда шу йил 16 июлда имзоланган “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган

фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”³⁸ги фармонлари иқтисодиётнинг ушбу тармоғини ислоҳ қилишнинг мантиқий давоми бўлди. 2012 йил 16 июлда қабул қилинган фармонга мувофиқ 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил (уларнинг умумий миқдорига нисбатан 26 фоиз), шунингдек, литсензияланадиган фаолият турларининг 15 таси (умумий миқдорига нисбатан 20 фоиз), жумладан, уларни бекор қилиш ва бирлаштириш ҳисобидан бекор қилинди.

“Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармоннинг аҳамияти қуйидагилардан иборат:

– ушбу фармон республикада қулай ишбилармонлик муҳитини вужудга келтириш, бизнес субъектларини ташкил қилишни соддалаштириш ва шундай субъектларнинг янада эркин фаолият юритишларини таъминлаш борасида изчил ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг мантиқий давоми ҳисобланади. У билан нафақат кичик бизнес, балки барча хўжалик юритувчи субъектлар учун тақдим қилинадиган ҳисоботларнинг нафақат сони, балки муддатлари ҳам камайтирилди.

Шу жумладан, молиявий, солиқ, статистик ҳисоботларнинг сони ва уларни тақдим қилиш даврийлиги қисқартирилди. Фаолиятнинг айрим турлари билан шуғулланиш учун рухсат бериш тартиблари ҳамда лицензияланадиган фаолият турларига бериладиган лицензия турлари бекор қилинди, айримлари бирлаштирилди. Жумладан,

2013 йилдан эътиборан 12 турдаги солиқ ҳисоботи, 11 турдаги статистик, шунингдек, 2012 йилнинг 3-чорагидан 12 турдаги статистик ва 20 турдаги бошқа ҳисоботларни тақдим этиш даврийлиги қисқартирилди.

Қуйидаги 8 та солиқ ҳисоботи барча солиқ тўловчи юридик шахслар томонидан чорақда бир маротаба тақдим этилиши белгиланди:

³⁸ www.lex.uz

- ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби;
- ягона солиқ тўловининг ҳисоб-китоб маълумотномаси;
- қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китоби;
- акциз солиғи ҳисоб-китоби;
- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби;
- ягона ижтимоий тўлов ва фуқароларнинг Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари ҳисоб-китоби;

- Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳисоб-китоби;

- жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ ҳисоб-китоби.

Қуйидаги 4 та солиқ ҳисоботи барча солиқ тўловчи юридик шахслар томонидан йилда бир мартаба тақдим этилади:

- жисмоний шахсларга ҳисобланган даромадлар расшифровкаси;
- жисмоний шахсларнинг солиқ солишдан озод этилган даромадлари расшифровкаси;
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ҳисоб-китоби;
- юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳисоб-китоби.

2013 йил 1 январдан бошлаб солиқ органларига тақдим этиладиган 11 турдаги солиқ ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар бирлаштирилиб, 5 тага туширилиши белгиланди. Жумладан, фойда солиғи билан ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ягона ижтимоий тўлов билан фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадали, шунингдек, бюджетдан ташқари Пенсия, Йўл ҳамда Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаларига мажбурий ажратмалар бўйича ҳисобот шакллари бирлаштирилди.

2013 йил 1 январдан қўшимча фойда солиғидан ташқари барча солиқ турлари ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ойма-ой солиқ ҳисоботини

тақдим этиш бекор қилинди.

Шунингдек, фармонда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

- 2012 йил 1 августдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни янада яхшилашга йўналтирилган 22 та меъёр ва тадбирлар жорий қилинди;

- қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилашга ҳамда тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2013–2014-йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Халқаро амалиётда қабул қилинганидек, давлат ва назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларнинг бевосита мулоқотсиз электрон шаклларини ҳамма жойда кенг татбиқ этиш талаб қилинмоқда.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бугунги кунда солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси томонидан яратилган интерактив хизматлардан 200 мингдан ортиқ корхона ва ташкилотлар ҳамда 50 мингга яқин жисмоний шахслар фойдаланиб келмоқда. Йил якунигача интерактив хизматлар сонини 22 тага етказиш режалаштирилган.

Жорий этилган имтиёзларга қайтадиган бўлсак, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари давлат ва хўжалик бошқаруви органларида қуйидаги тартиб-таомилларни ўз хоҳишларига кўра электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлиши кўзда тутилди:

- банк ҳисоб-варақларига масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизими, шу жумладан, «Интернет-банкнинг» тизими орқали солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш;

- юкларни божхонада расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектлари томонидан товарларни декларация қилиш;

- “бир ойна” тамойили бўйича юридик шахсларнинг кўчмас мулкка бўлган эгалик ҳуқуқларини рўйхатга олиш;

- тадбиркорлик субъектларининг даъво аризалари ва илтимосномаларини хўжалик судларига бериш.

Шуни айтиш керакки, юқоридаги қонун ва фармонлар бозор иқтисодиёти талаблари, халқаро меъёрлар ва стандартларга тўлиқ жавоб беради. Энг муҳими, улар лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини тубдан такомиллаштириш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик фаолияти учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни вужудга келтиришга хизмат қилади.

3.2. Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъекти ривожининг бандликни оширишдаги истиқболи

Мамлакайда иш ўринларига бўлган эҳтиёж меҳнат бозорида илк бор ишчи кучини таклиф қиладиган шахслар (академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртлари ва бошқа таълим муассасалари битирувчилари бўлмиш меҳнатга лаёқатли ёшдагилар), шунингдек ишга жойлашишга муҳтож банд бўлмаган аҳоли (иш жойи ва даромад манбаига эга бўлмаганлар, чет эллардан ишлаб қайтган меҳнат мигрантлари, муддатли ҳарбий хизматдан бўшатирилганлар, жазони ижро этиш муассасасидан озод этилган, ишламаётган шахслар ва шу кабилар) ҳисобига шакллантирилади.

2013 йилда иш ўринларига бўлган эҳтиёж параметрлари меҳнат бозорининг амалдаги тамойилларини ўрганиш, ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф балансига таъсир қилувчи мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омиллари таҳлили асосида аниқланган. Бунда иқтисодиётдаги таркибий ўзгартиришлар, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгилаш натижасида бўшаб қоладиган ходимлар ҳисоб-китобига алоҳида эътибор қаратилган.

**Ўзбекистон Республикасида меҳнат ресурсларининг истикбол
кўрсаткичлари, минг киши³⁹**

Т/р	Кўрсаткичлар	2013	2014	2015	2016	2017	2017 йилда 2013 йилга нисбатан, %
1.	Меҳнат ресурслари сони	17365,5	17841,0	18329,5	18824,4	19332,7	111,3
2.	Иқтисодий фаол аҳоли сони	12929,9	13275,8	13658	14026,8	14433,5	111,6
3.	Иш билан банд аҳоли сони	12303,1	12644,2	13014,1	13378,5	13766,5	111,9
3.1.	Иқтисодиётнинг расмий секторида бандлар сони	7655,9	7838,7	8130,6	8757,5	8938,6	116,8
3.2.	Иқтисодиётнинг норасмий секторида бандлар сони	4296,2	4484,8	4559,8	4302,7	4498,4	104,7
3.3.	Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элга кетган шахслар сони	351,1	320,7	323,7	318,3	329,5	93,8
4.	Ишсизлар сони	626,8	631,6	643,9	649,1	661,4	105,5
4.1.	Меҳнат органларида рўйхатдан ўтган ишсизлар	7,2	9,5	10,9	12,6	13,1	181,9
4.2.	Мустақил тарзда иш излаётган ишсизлар	619,6	622,1	633	636,5	648,3	104,6

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

Жадвалдан кўринадики, 2013-2017 йилларда меҳнат ресурслари сони 11,3 фоизга кўпайиб, 19332,7 минг кишига етиши кутилади. Прогноз қилинаётган даврда меҳнат ресурслари таркибида иқтисодий фаол аҳоли сони 11,6 фоизга кўпайиб, аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси 74,4 фоиздан 74,7 фоизгача ошади. Истикболда банд аҳоли сонининг ҳам мунтазам кўпайиб бориши кутилиб, ўртача йиллик ўсиш суръати 1,36 фоиз атрофида бўлади.

Бундан ташқари, истикболда ишсизлар таркибида меҳнат органларида рўйхатдан ўтган ва мустақил тарзда иш излаётган ишсизлар сонининг ҳам ўсиши кутилади ҳамда 2017 йилга бориб республикада аҳолининг ишсизлик даражаси 4,6 фоизни ташкил этиши кузатилади.

“Республикада ишсизликнинг мақбул даражасини сақлаб қолиш мақсадида меҳнат бозорида иш ўринларига бўлган эҳтиёж прогноз қилинаётган даврда йилига ўртача 1219,7 минг кишини ташкил этади, улардан 575,7 минг нафари таълим муассасалари битирувчилари, 626 минг нафари иш билан таъминланишга муҳтож банд бўлмаган аҳоли (ишсизлар), шу жумладан, 48 минг нафар меҳнат миграциясидан қайтганлар.”⁴⁰

2013 йил “Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш”⁴¹ Давлат дастурининг прогноз параметрлари тармоқлар бўйича (бандлик йўналишлари) ва ҳудудлар бўйича ишга жойлашишга бўлган эҳтиёж, айниқса, илк бор меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларни, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва кўп меҳнат талаб этадиган ишлаб чиқаришларни модернизациялаш натижасида бўшаб қолаётган ходимларни, шунингдек саноатни, қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини, хизмат кўрсатиш соҳаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, инфратузилмани ривожлантириш натижасида ишчи кучига бўладиган талаб ҳисоб-китобидан келиб чиқиб белгиланган.

⁴⁰ www.stat.uz

⁴¹ www.lex.uz

Дастурда 2014 йилда 6 та асосий йўналиш бўйича мамлакатимизда жами 980,0 мингта иш ўрни ташкил этилиши назарда тутилган.

Биринчи йўналиш ҳисобига 57,9 мингта, шу жумладан, хўжалик бошқаруви органлари тузилмасига кирувчи корхоналарда – 16,9 мингта, худудий бўйсунувдаги корхоналарда – 41,0 мингта иш ўрни яратилишини таъминлайди.

Экспорт қилувчи корхоналарнинг рағбатлантирилишини кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларнинг экспорт қилинишини кенгайтириш, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар ушбу йўналишда иш ўринлари яратишнинг муҳим омиллари бўлиб хизмат қилади. Хусусан, 2012 йилнинг 1 апрелидан бошлаб валюта кредитлари бўйича асосий қарзларни узиш учун жорий тўловларга йўналтириладиган, валюта киримларининг бир қисмини мажбурий тарзда ваколатли банкларга сотишдан озод қилиниши, янги ишлаб чиқаришларни қуриш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни модернизациялаш ва технологик янгилаш, Тошкент вилоятида «Ангрен» махсус индустриал худудининг ташкил этилиши, 2012–2016 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта таъминлаш Дастурининг тасдиқланиши ва бошқа тадбирлар фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларда иш ўринларини янада кўпайтириш баробарида тармоқлараро алоқадор (транспорт, қурилиш ёки ижтимоий инфратузилма соҳалари) тизимларга боғлиқ иш ўринларини яратишга ҳам хизмат қилади.

Иккинчи йўналиш бўйича ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилиши кўзда тутилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йилда қабул қилинган, ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармонлари, шунга асосан жорий йилнинг 1 августидан бошлаб 80 та рухсат

бериш тартиб таомиллари, лицензияланадиган 15 та фаолият тури лицензиялаш ҳамда 68 та статистик ва солиққа оид ҳисоботлар шакллари бекор қилинганлиги, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ва кенгайтириш ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, шунингдек кичик бизнесни ривожлантириш ҳудудий дастурларининг амалга оширилиши 485,6 мингта иш ўринлари ташкил қилиш имкониятини яратади.

2014 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш орқали қўллаб-қувватлашни юқори даражада сақлаб қолиш режалаштирилмоқда. Чунончи, тижорат банклари томонидан шу мақсадлар учун 5,1 трлн. сўм ажратилиши назарда тутилмоқда. Бунда имтиёзли кредит ресурслари асосан узоқ қишлоқ туманларида ва меҳнат бозоридаги вазият оғир бўлган ҳудудларда иш ўринлари яратишни назарда тутувчи лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Иш ўринлари яратишнинг ушбу йўналишдаги асосий тармоғи хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўлиб, хусусан, мамлакат ЯИМда хизмат кўрсатиш улушининг мақсадли параметрларига (52,5 фоиз) эришиш доирасида кичик бизнес корхоналарида 267,1 мингта иш ўрни яратилиши кутилмоқда. Ушбу кўрсаткич хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, кўрсатилаётган хизматнинг, аввало қишлоқ жойларида, турларини кенгайтириш ва сифатини ошириш ҳамда шунинг асосида мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва уйғун ривожланишида хизмат кўрсатиш соҳасининг роли ва аҳамиятини оширишга доир мақсадларга эришилишига бевосита боғлиқ. Ушбу соҳа келгуси йилда 18 фоиздан ортиқроққа ошиши кутилаётган компьютер дастурларини яратиш (электрон таълим ва консултатив хизматларни инобатга олган ҳолда), савдо ва умумий овқатланиш, соғлиқни сақлаш бўйича хизматлар соҳаси айниқса устувор ҳисобланади. Якка тадбиркорликнинг ривожланиши 117,7 минг кишининг бандлигини таъминлайди.

Учинчи йўналишнинг ривожланиши 218,4 минг нафар банд бўлмаган фуқарони, асосан кўп болали аёллар, ногиронлар ва аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож бошқа тоифаларини иш билан таъминлашга кўмаклашади. Шу ўринда 2012 йилда қабул қилинган, иқтисодиётнинг турли жабҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли бўлган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур қонунчилик базасини яратиш, оилавий бизнес учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш, иш ўринлари ташкил қилиш имкониятини яратган «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳим аҳамият касб этади.

Оилавий тадбиркорликда фаолиятни ташкил қилишнинг бошқа шаклида бўлмаган иш куни ва меҳнат тақсимооти имконияти мавжуд, бу эса ишлаб чиқаришга, бошқа ҳолатларда «банд бўлмаганлар» қаторида бўлган, ёш болали аёлларни, ўқувчилар ва аҳолининг меҳнат бозорида рақобатбардош бўла олмайдиган бошқа тоифаларини қисман бўлса-да, оддий шароитларда жалб қилиш имконини беради. Ушбу ташкилий шакл меҳнат бозорига илк бор кириб келаётган ёшларга меҳнат фаолияти ва тадбиркорликка киришиши учун қулай ва ижтимоий мақбул шароитни яратади.

Иш ўринлари ташкил этишнинг тўртинчи йўналишида ягона миллий автомобиль транспорти тизимини ташкил этиш, автомобиль йўлларини, шу жумладан Ўзбекистон миллий автомагистрали таркибига кирувчи автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, темир йўл участкаларини электрлаштириш, бош лойиҳалар асосида қишлоқ аҳоли пунктларини комплекс қуришни амалга ошириш, қишлоқ жойларида тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича замонавий уй-жойларни, муҳандислик иншоотларини, ижтимоий инфратузилма объектлари қуришни кенгайтириш, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш, қишлоқ хўжалиги илмий муассасаларини замонавий лаборатория жиҳозлари билан таъминлашга доир инвестицион лойиҳалар ва шу кабилар муҳимлиги сақланиб қолади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Мамлакатда Кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишларига оид масалаларни тадқиққилиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Тадбиркор, назарий қарашларга кўра, бу ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш борасида билим ва малакага эга бўлган, фойда олиш мақсадида таваккалчилик билан иш кўра олувчи ташаббускор шахс ҳисобланаркан.

2. Кичик корхоналар қуйидагича ташкил қилинишлари мумкин:

- фуқаролар, оила аъзолари ва бошқа шахслар томонидан;
- давлат, ижара, жамоа, ҳиссадорлик жамиятлари, хўжалик ассоциациялари, қўшма корхоналар ва бошқалар томонидан;
- жамоат ташкилотлари томонидан;
- айтиб ўтилган идораларнинг ҳамкорлиги асосида;
- мулк эгасининг розилиги билан жамоа ташаббуси бўйича амалдаги корхоналар таркибидан ажралиб чиқиш натижасида.

3. Истеъмолчилар билан бевосита алоқа кичик фирмаларнинг хусусиятларидан бири бўлади, бу нарса йирик ишлаб чиқаришда йўқ. Масалан, кичик новвойхона нон маҳсулотларини тайёрлайди ва худди шу ерда уларни ҳаридорларга сотади ва ҳаридорлардан буюртмалар қабул қилади.

4. Ихтисослашиш – меҳнат унумдорлигини ошириш, моддий харажатларни пасайтириш, маҳсулот сифатини оширишнинг энг муҳим омили ҳисобланади.

5. Ўзбекистонда 2013 йилнинг январ-декабрида ишлаб чиқарилган ЯИМнинг 55,8 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,2 фоизга ошганлигидан далолат берди.

6. Мамлакатда 2013 йил давомида иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича минтақавий дастурларнинг амалга

оширилиши натижасида қарийб 970 минг киши иш билан таъминланганлигига гувоҳ бўлдик.

7. Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 23 фоизи, маҳсулот экспортининг 18,0 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келганлигини кўрдик.

Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрларимизни умумлаштириб, Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда кичик бизнес соҳасини ривожлантиришда қуйидаги масалаларни ҳал қилиш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг маҳсулотларини ташқи бозорларга чиқаришда, эҳтимол тутилган харидорларни излашда, шартномаларни тайёрлаш ва тузишда, экспорт операцияларини амалга оширишда давлат томонидан қўмаклашиш даражасини ошириш керак.

2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чет эллардаги тендер савдоларидаги иштирокини кенгайтиришга, шунингдек, ярмаркалар, “давра столлари” ва бошқаларни ташкил этиш керак.

3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ассортименти ва турларини тизимли асосда таҳлил қилиш, уларнинг ташқи бозорлардаги рақобатдошлик даражасини аниқлаш, тегишли маълумотлар базасини шакллантириш даркор.

4. Банк-молия тизимини барқарорлигини ошириш ва инвестиция миқёсини кенгайтиришда кичик бизнес ва тадбиркорликка эътиборни қаратиш лозим.

5. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар иштирокида юқори технологик лойиҳалар доирасида инновацияларни молиялаштириш Фондини яратиш даркор.

6. Аҳолининг кенг табақаларини бозор фаолиятига олиб кириш, улардаги боқимандачилик, истеъмолчилик психологиясини бартараф

қилиш, аҳолида хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес фаолияти билан фаол шуғулланиш истагини уйғотиш керак.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашда ижобий таъсир этади деган умиддамиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т: Ўзбекистон, 2011 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 20 декабрдаги, ЎРҚ–341-сонли "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида" ги Қонуни. Norma Ахборот тизими 2014 й.
3. Ўзбекистон Республикаси «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун. (Ўзгартиришлар асосида) 2000 йил 25 май. Norma Ахборот тизими 2014 й.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги, ПФ-4354-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони. <http://www.lex.uz>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони. <http://www.lex.uz>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги, ПФ-4455-сонли “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони <http://www.lex.uz>.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1501-сонли Қарори 2011 йил 11 март. Norma Ахборот тизими 2014 й
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарори

Norma Ахборот тизими 2014 й.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”¹ги 2011 йил 4 майда қабул қилинган ПФ-4296-сонли Фармони. <http://www.lex.uz>

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

10. Каримов И.А. “2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади”. –Т.: “Ўзбекистон” 2014й.

11. Каримов И.А. “Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш” –Т.: “Ўзбекистон” 2013й.

12. Каримов И.А. “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” -Т: “Ўзбекистон” 2012 й.

13. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” -Т: “Ўзбекистон” 2011 й.

14. Каримов И.А. “Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. -Т: “Ўзбекистон” 2010 й.

15. И.А.Каримов “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. –Т. “Ўзбекистон” 2010 й.

IV. Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

16. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилнингасосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларигабағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт. - 2012.

17. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” номли маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2011.

18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010.

19. Б.Ю. Ходиев, М.С. Қосимова, А.Н. Самадов Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик –Т. ТДИУ 2010.

20. Бекмуродов А.Ш., Сатторов С., Тўраев Ж., Солиев К., Рўзиев С. Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш йилларида. Кичик бизнес ва тадбиркорлик ривожини – давр талаби. 3-қисм. –Т.: ТДИУ, 2005.

21. Самадов А.Н. «Кичик бизнесни бошқариш» фанидан маърузалар матни. –Т.: ТДИУ, 2013.

22. Юсупов М.А., Эргашхўжаева Ш.Ж. «Тадбиркорлик асослари» фанидан маърузалар матни. –Т.: ТДИУ, 2013.

23. Лапуста М.Г., Старостин Ю.Л. Малое предпринимательство. –М.: ИНФРА-М, 2004.

24. Малый бизнес. Организация, экономика, управление: Учеб. пособие для вузов/ Под ред. проф. В.Я.Горфинкеля, В.А. Швандара. – 2-е изд., пререб. и доп. –М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003.

25. Морелл Д. Как делать прогнозы в бизнесе. О руководство для предпринимателей / Перевод с англ. –М.: НИППО, 2004.

26. Петрунин Ю.Ю., Борисов В.К. Этика бизнэса: Учеб. пособие. – 3-е

изд., перераб. и доп. –М.: Дело, 2004.

27. Ўзбекистон иқтисодиёти: Ахборот таҳлилий шарҳ 2000-2012 йй. –Т.: Ўзбекистон 2000-2013йй.

28. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги маълумотлари

V. Интернет сайтлари

29. <http://www.gov.uz>

30. <http://www.cbu.uz>

31. <http://www.soliq.uz>

32. <http://www.stat.uz>

33. <http://www.daily.uz>

34. <http://www.lex.uz>

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни
«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари
тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва
қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 29 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 69-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 140-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 3, 119-модда, № 9, 494-модда, № 10, 536-модда; 2007 йил, № 12, 608-модда; 2008 йил, № 12, 640-модда; 2009 йил, № 12, 472-модда; 2010 йил, № 9, 336-модда, № 12, 465-модда; 2011 йил, № 4, 104-модда, № 9, 248-модда) ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири тасдиқлансин (илова қилинади).


2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-
ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.


Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2012 йил 2 май,
ЎРҚ-328-сон



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар динамикаси⁴², (млрд. сўм)



Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган микрокредитлар динамикаси⁴³, (млрд. сўм)

⁴² www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий Банкнинг расмий веб-сайти маълумотлари.

⁴³ Ўша ерда.